

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Раҳматли падари бузрукворимиз Мулла Абулқосим Имомназар ҳожи ўғли (1906-1978) ўқимишли киши эдилар. Дастлабки сабоқни қишлоқ масжидида, сўнг Наманган шаҳридаги мударрис Абдулворисқори афанди қўлларида таълим олганлар. Отамиз то бандаликни бажо келтиргунларига қадар муҳтарам устозларининг хизмат-у ҳурматларини баҳоли қудрат қилиб келдилар.

Отамиз диний таълим ва фикрдан ташқари, дунёвий илмдан, жумладан, санои нафиса - адабиётдан ҳам бохабар эдилар. Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридуддин Аттор, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Мир Алишер Навоий, Шайх Саъдий, Бедил, Сўфи Аллоёр, Машраб Намангоний ва бошқа кўплаб буюк аждодларимизнинг асарлари, ғазалларини ёд билардилар. Ҳамқишлоқларимиз билан бирор масалада суҳбатлашиб қолишса, ё Бедилдан, ё Саъдийдан ёки "Калила ва Димна"дан мувофиқ бир байт ёки масал қистириб ўтардилар.

"Гўрўғли" туркумига кирган барча дostonларни, Иброҳим Адҳам Балхий, Бобо Равшан, Имом Ҳасан, Имом Ҳусайн, Маликаи донишманд ҳақида, "Минг бир кеча", "Темурномаи Соҳибқирон", "Мавлуди набий" "Муҳаммадия" каби кўплаб қиссаларни илк мартаба отамиздан эшитган эдик.

Дарвоқе, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Р. Мўмин ҳақида биз мактабнинг бошланғич партасида эканлигимизда ҳайрат ва таассуф ила кўп ҳикоя қилардилар. "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" асарларини қишлоғимизнинг барча катта-кичиклари отамиздан эшитганлари ҳозирги кунларда ҳам эътироф этилади.

...Қарийб ярим аср олдин мухтарам қиблаи олам сўзлаб берган беҳисоб ривоятлар-у ҳадиси шарифлар, афсоналар бир омонат шаклида қалбимни беҳаловат қилади. Уларнинг кўпини ёзиб қўйган бўлсам-да, китоб ҳолида дарж этиш имконлари бир қадар чекланган эди...

Ватанимиз мустақиллиги барча ғов-тўсиқларни, тақиқ ва таъқибларни парчалаб юборди. Мамлакатимизда руҳий-маънавий, маданий-тарихий обидаларни қайта тиклаш, излаб топиш, нашр қилиш ишлари оралиқдаги юз йиллик бўшлиқни қисқа фурсатда тўлдириб, кенг миқёс касб этди.

Шу нарсани катта қониқиш билан изҳор қилиш лозимки, юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистонимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги тарихий, диний обидалар мисли кўрилмаган даражада гўзал таъмирланиб, тикланди. Кўркам ва обод қилинмоқда. Бунинг миқёсини тасаввур қилиш учун биргина қайта тароват бахш этилган ҳадисшунослар пири имом ал-Бухорий мақбарасини кўз олдимизга келтириш kifоя.

...Маънавий қадриятлар авлодлар учун бебаҳо мерос. Уни излаб тўплаш, авайлаб-асраш ва халқимизнинг суюмли мулкига айлантириш муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Шу маънода "Отамнинг эртаклари" туркум ҳикоялар дунёга келди. Унда бирор янгилик бўлмаслиги мумкин. Кўпларини эшитган ёки ўқиган бўлишингиз ҳам ажабланарли эмас. Аммо ҳаётингиз учун ибрат бўларли даражадаги ҳикматлар, халқ донишмандлиги миллий маънавиятимиз байроғини асрлар давомида баланд кўтариб турганлигининг ўзи ҳақли ифтихоримизга лойиқдир.

Хайрулла Қосимов



УЧ ЮЗ ТИЛЛОЛИ УЧ ҲИКМАТ

Ўтмишда бир бой бўлган экан. Унинг якаю-ёлғиз Айман исмли ўғли бўлиб, ўз билганидан қолмайдиган қайсар экан. Унинг тенгдошлари вояга етиб, юртда катта-катта ишларда бош бўлиб хизмат қилишар, Айман эса кап-катта бўлганида ҳам бирор ишнинг уддасидан чиқа

олмайдиган ношуд экан. Отаси урибди, сўкибди -ўзгариш бўлмабди. У қаерлардадир санқиб, ит, хўроз, бедана уриштирувчиларни томоша қилиб, қорни очганида сўррайиб уйга кириб келаркан. Ёлғиз фарзанд балоси отани қийнаб юборибди. У ёр-биродар, қариндош-уруғларини чорлаб маслаҳат сўрабди.

- Ўғлимни нима қилсам бўлади?

- Нима қилардинг, энди ҳамма нарса кеч, - дебди ёши улуғ қариндошлардан бири, - болани бошидан, кийимни янгилигидан эҳтиёт қилиш керак, деган доно гапга амал қилмадинг. Ёш ниҳолни аста-аста эгиб борсанг, эгилаверади. Аммо бирданига бу ишни қилмоқчи бўлсанг, мўртлигида синиб кетади. Ёшлигидан болангни бўш қўйиб юбординг. Энди, кўпчилик нима деса, ўшани қиласан-да...



- Хўп, йўл кўрсатинг, айтганингизни бажараман.

- Сенга қанчалик оғир бўлса ҳам сўзинг устидан чиқасанми, - сўради иккинчи нуроний отахон.

- Ҳа, сизлар қандай чорани маъқул кўрсаларинг, ўғлим учун бажараман.

- Асов отни юган, эгар, айил, қамчи ва моҳир чавандоз бўйсиндиради. Ўғлингни сафарга жўнат. Олам кезиб иссиқ-совуқни тотиб кўрсин. Мусофирчиликда яхши-ёмонни кўриб кўзи очилса, ажаб эмас, - деб маслаҳат беришди.

Бечора ота рози бўлди. "Сафарга яхши от, озиқ-овқат ҳозирлашди. Уч юз тиллони халтага солиб белига боғлашди. Кўпчилик Айманни авраб саёҳатни мақтаб йўлга солишган эди. Уни катта бир карвонга қўшиб жўнатишибди.

Карвон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб чўлу саҳролардан ўтиб, бир гўзал водийга кириб келибди. Чарчаган карвон шу ерда қўниб, нафасини ростлаб олишга қарор қилибди. Бир-икки кундан сўнг кечаси салқинда карвон қўзғалиши эълон қилинди.

Ҳамма йўлга отланди. Айманни ҳар қанча уйғотишса ҳам турмай:

- Кетаверинглар, орқаларингдан етиб оламан, - деди уйқусираб. Шу ётганича эртасига тушда уйғонди. Офтоб қизиб ётибди. Қорин оч. Атрофда бир тирик жон кўринмайди. Хайриятки, оти, хуржуни, ақчаси жойида экан. Апил-тапил қорнини тўйғазди-да, ўрnidан турди. Мақсади кар-

вонга етиб олиш эди. Аммо карвон узоқлашиб кетганини билди. Олдинда бир отлиқ киши кетиб борарди. Айма:ч салом берди. Хизрнамо у киши кулимсираб алик олди-да, йўлида давом этаверди. Ўртадаги жим-житликдан хуноби ошиб кетган Айма:н йўлдошига деди:


- Ота, узоқ йўлда ҳамроҳга ўхшаймиз. У ёқ бу ёқдан сўзлашиб кетайлик.


- Маъкул, - деди мўйсафид кулиб, - фақат бир шартим бор. Юз тилла берсанг, муҳим бир гапни айтаман. Усенга кўп фойда келтиради.

- Хўп - деди севиниб Айма:н, - киссасидан юз тиллони санаб берди.

Отлиқ киши юз тиллони ёнига соларкан Айма:нга:

- Эй, ўғил! Олис йўлда бегона кишини кўрганингда саломлашгач, исмингиз нима, қаерга кетяпсиз, кимсиз? - деб сўраб, билиб олгин, - деди-да, яна хомуш бўлди.





- Хўп бўлади, - дея Айман яна қариянинг оғзини пойлади. Чол эса бошқа ҳеч нарса демасдан йўлида давом этарди. Бу ҳолга Айман чидамай яна гапга солмоқчи бўлди.

- Ота, қачонгача жим кетамиз. Гаплашиб кетайлик, зерикяпман.

- Хўп, - деди отлиқ киши, - яна юз тилла бўлса, бас. Гаплашамиз. Муҳим гапни айтаман. У сенга жуда катта фойда келтиради. Айман шартга рози бўлиб, яна юз тиллони қарияга узатди. Чол шундай деди.

- Тўй-тантанага борасанми, совуқ маъраками - қандай жой бўлмасин, ўз ёшингга муносиб жойга ўтир. Улуғ кишилардан юқорига чиқиб олма. Бу жуда катта беодоблик, киборлик ҳисобланади, - дедию жим бўлди.

- Бу аввалги гапингиздан ҳам бемаза эканку?! Нимаси менга катта фойда беради, бу гапингизнинг?! - фиғони чиқди Айманнинг.

Чол таббасум қилганича, қўлидаги тасбеҳни ўғириб, отини бир текисда ҳайдарди.

Айман ёш. Алланарсаларга ғайрати жўш уради, лекин нима эканлигини билолмайди. Яна тоқати тоқ бўлиб, отлиқ йўлдошини гапга солишга ҳаракат қилади.

- Яна ўша гап, - мийиғида кулиб жавоб берди отлиқ киши, - юз тилла берсанг, зўр гап айтаман. Ундан сен жуда катта фойда кўрасан...

Айман ноилож сўнгги юз тиллони бериб қулоқ сола бошлади.

- Сендан бирор гап ёки нарса сўрашса, жавоб бер. Сўрашмаса, одоб сақлаб, жим ўтир.

- Оббо, - деди Айман бошига муштлаб, - буниси аввалгиларидан ҳам ошиб тушдику!

Ўртага жимлик чўкди. Осмонда юлдузлар кўрина бошлаганда бизга таниш отлиқлар дам





олишди. Эрталаб отланишаркан, Айман тагин гап кавлаштирди...

- Ота суҳбатлашиб кетайлик...

- Айтдим-ку, юз тилла бўлса бас, мен тайёр...

- Эй, ота! Қанақа одамсиз ўзи?! - жаҳли чиқди Айманнинг, - сизга берадиган юз тиллам қолмади, - дедию отига қамчи солиб чоптириб кетди. Ортидан қария бош чайқаганича қараб, йўлида давом этди.

Айман шу кетганича бир обод шаҳарга етди. Озиқ-овқати оз қолган, пули йўқ. "Отимни сотсаммикан", дея хаёл суради. Ҳар куни бемақсад бозор айланди. У шу қуруқ томошасини давом эттириб турсин. Энди бир оғиз гапни Аймандан орқада қолган бегона отликдан эшитинг. У Ахсикент подшоҳи Асириддин Хурмуз деган салтанат эгасининг биродари Нўъмони Жавҳарий эди! Нўъмони Жавҳарий Асириддин Хурмуз топшириғига кўра Хуросон мамлакатида бўлиб, вазифасини гўзал бир тарзда адо этиб, энди Ахсикентга қайтаётган эди.



Подшоҳ: "Кимда-ким биродарим келаётгани ҳақида менга аввалроқ хушxabар етказса, унга бош-оёқ зарбоф сарупо ва от совға қилинади", деб жарчилар орқали эълон қилмоқда эди. Айман ҳам бу сасни эшитди. Аммо бепарво бўлди...



Шу аснода, подани яйловдан ҳайдаётган чўпон ёлғиз отлиқ кишини кўрди. Ўша томонга югуриб отлиққа салом бердива:

- Шаҳримизга хуш келибсиз? Узоқдан келяпсиз, шекилли? Кимсиз? Исмингиз нима? Қаерга борасиз? - деди. Отлиқ киши чўпоннинг ақлли ва хушёрлигидан мамнун бўлиб, ўзини танитди. Чўпон беҳад мамнун бўлди. Шунда отлиқ киши:

- Менинг отимни миниб, подшоҳга хабар бер. Мен шу ерда подага қараб тураман, - деди.

Чўпон подшоҳга хушxabарни етказди. Унга бир сидра зарбоф кийим ва от суюнчи қилиб берилди. Карнай-сурнайлар чалиниб, ҳамма подшоҳнинг биродарини кутиб олишга отланди. Уларни олдинда ясаниб олган чўпон бошлаб борарди.

Айман нима гаплигини энди тушуниб, оломонга қўшилган ҳолда подшоҳнинг дўстини кутиб олувчиларга қўшилди.

Қай кўз билан кўрсинки, ўзи бир неча кун унга ҳамроҳ бўлган мўйсафид экан! "Эҳ, аттанг! Нега ўшанда исмини, борор жойини, кимлигини сўраб олмадим-а", - дея бошига муштлади. Ҳамроҳининг Айманга кўзи тушса ҳам жўрттага ўзини кўрмаганликка солибди.

Подшоҳ дўстининг шарафига уч кечаю уч кундуз мамлакатда тўй эълон қилди.

Отини сотиб, аллақачон пулини ҳам совуриб, оч ўтирган Айман тўй зиёфатини эшитиб, ҳаммадан аввал етиб келди. Улуғларга аталган хонага кириб, тўрга ўтириб олди. Зиёфат белгиланган вақт бўлиши билан шаҳарнинг каттала-

ри хонага кира бошлашди. Тўрға чиқиб ўтирган Айман сурила-сурила пойгакка зўрға илиниб қолди. Шу аснода товоқларда алвоний неъматлар меҳмонларга тортила бошланди.

Тўрда ўтирган меҳмонлардан бири ёнидаги шеригидан гўштни майдалаш учун пичоқ сўради. Шу пайт Айман ўрнидан турди-да ханжардай пичоғини суғурди.

- Мана, менда пичоқ бор, - дея дастурхон ўртасига ташлади. Бу ҳамма меҳмонларга қаттиқ малол келди. Подшоҳнинг биродари Айманнинг бадахлоқлигидан бошини чайқади.

Ўша даврада муттаҳам, ўғрилар ҳам яسانيб олиб меҳмон бўлиб ўтиришганди. Айманнинг бир адабини бериб қўйиш мақсадида улар бўҳтон ўйлаб топишди. Қаранг, ёмонлар тез тил топишади.

Зиёфатдан сўнг пичоқни муттаҳамлардан бири қўлига олиб деди:

- Эшмат, бу фалон вақтда, фалон уста сенга ясаб берган пичоқнинг ўзи-ку! Уни ўғирлатиб қўйдим, деганмидинг?

Уч-тўрт шериклари унинг гапини тасдиқлашди.

- Ҳа, худди ўша пичоқнинг ўзи! Ушла, ўғрини!

Ҳамма бирданига ёпирилиб, Айманни босишди. Қўл-оёғини боғлаб қамоққа тиқишди. Гувоҳлар қозини тўла ишонтиришгач, Айманга ўлим жазоси берилиб, бозор куни халойиқ қошида дорга осиладиган бўлди. Айманнинг кўзига дунё қаронғу бўлиб, бегона юртда ҳеч қандай нажот тополмаслигига амин бўлиб йиғлади. Бутун қилмиш-кечирмишлари хаёлидан ўтиб, ўзининг фирт нодон эканлигини тан олди. Чолнинг тилла олиб

айтган гапларига эътибор бермаганига ўқинди.

Ғамгин хаёлларга фарқ бўлиб, дарча ёнига яқинлашган шарпани ҳам сезмай қолди. Бошини кўтариб, собиқ ҳамроҳи бўлган оқсоқолни кўрди. Оқсоқолнинг қўлида бир бароқ мушук турарди. Уни силаб-сийпаб турди-да, эшитиладиган қилиб сўзлай бошлади.

- Ҳой, мушук! Сўзларимга қулоқ сол! Эртага тушдан сўнг бозор майдонида сени дорга осишади. Шунинг учун айтганларимга ҳушёр бўлиб амал қил. Мен сенга уч юз тиллога уч ҳикмат айтдим. Уларга риоя қилмасдан ўз бошингга бало орттирдинг, эй мушук! Эртага подшоҳ сендан: "Ҳукмдан розимисан?" деб сўрайди. Сен: "Рози эмасман. Тўхматга қолдим. Бир қошиқ қонимдан кечинг, арзимни тингланг", деб айт. Шунда подшоҳ сендан "Нима арзинг бор?" деб сўрайди. Эй, мушук, фурсатни ғанимат билиб, мен айтган тарзда подшоҳга сўзлаб бер. Яъни шундай дейсан: "Эй, адолатли подшоҳ! Мен бир катта савдогарнинг ўғли эдим! Отам дунё кезиб савдо билан машғул эди. Бир гал отамнинг шериклари узоқ сафардан ғамгин қайтиб келишди. Улар орасида отам кўринмасди. Карвонбоши менга "Фалон дарадан ўтаётганимизда бизга қароқчилар ҳужум қилишди. Қочган қочди, қолган қолди", деди. Мен карвонбоши айтган манзилга борсам, ростдан ҳам отамнинг молмулкини талашиб, ўзини ўлдириб кетишибди. Қорнида катта пичоқ санчилиб ётарди. Мен отамни дафн қилиб, пичоққа қин ясаб тақиб

олдим. Ўшандан буён отамнинг қотилларини излайман. Қаерга борсам, тўй-маърака зиёфатларида пичоқни ўртага ташлайман. Шоядқи, пичоқ эгасини топсам, дейман.

Аллоҳга шукрки, бугун мен пичоқ эгаси ва қотилларни топдим. Адолат қилиб, душманларимдан қасос олиб берасиз, деб умид қиламан", десанг омон қоласан, эй, мушук, - деб қўлидаги жониворни ерга ташлаб, оқсоқол даричадан узоқлашди.

Айман гапларни тинглаб, коса тагидаги нимкосани ҳам тушунди. Бу гаплар мушукка эмас, ўзига тегишли эканлигини фаҳмлади.

...Сўнгги сўроқда Айман мўйсафид ўргатган тарзда сўзлаб, ўзини оқлаб олди. Тухматчи даъвогарлар тафтиш қилинганда улар юрт тинчлигини бузиб келаётган қаллоблар эканлиги фош этилди.

Айман жабрдийда ҳисобланиб, отасининг хунига ҳалиги қаллобларнинг мол-мулки мусодара қилиб берилди. Уларни юклаб, манзилига етиб олиш учун бир неча туя ва от инъом қилинди.

Катта дабдалар билан Айман ота-онаси ҳузурига етиб келди. Уларнинг оёқларига бош қўйиб таъзим қилди. У ўз бошидан ўтган барча саргузаштларни сўзлар экан, донишманд йўлдошининг доно сўзларига амал қилиб, тирик қолганини айтди. Эндиликда у барча донишмандлар томонидан ёзилган пурмаъно китобларни ўқиб-ўрганишга қатъий бел боғлаган экан.



БОҒИ БАНДА ҲИКОЯСИ

Дейдиларки, улуғ бир шаҳарнинг қозикалонига Мисрдан келтирилган бир қулни совға қилганлар. Қулнинг меҳнаткаш, чаққонлиги қозикалонга маъқул келибди. Бир куни шаҳардан ташқарида катта бир чорбоғ кимошди савдосида сотилибди. Бу боғ қозикалонга насиб этибди. Қозикалон боғни яхши парвариш қил, деб қулига буюрибди.

Ой-кунлар ўтиб, қозикалон бир талай меҳмонлари билан дам олгани боққа ташриф буюрибди.

338339

- Бизни сархил мевалар билан меҳмон қил, - дебди қозикалон. Қул таъзим бажо айлаб, саватларда чиройли, ҳар хил сара мевалардан узиб чиқиб, дастурхонга қўйибди.

Меҳмонлар хурсанд бўлиб мевалардан тотиб кўришга киришибдилар. Бироқ олиб чиқилган мевалар чиройли бўлса-да, баъзилари ғўр, баъзилари жуда тахир экан. Бундан қозикалоннинг жаҳли чиқибди.

- Эй банда! Бу қанақаси?! Сен бизга пишмаган, нордон меваларни олиб чиқибсан. Наҳотки боғда шунча юриб, қайси мева ширин, қай бири нордон, тахирлигини ажрата олмаган бўлсанг?!

Қул таъзим қилиб жавоб берди:

- Бир қошиқ қонимни авф этсинлар, ҳожам. Менга боққа қараб юриш, паврвариш қилиш буюрилган эди. Илло, татиб кўришга изн берилмаганди... Рухсат берсангиз, кейинги гал бу нуқсонни тузатаман.

Меҳмонлар қулнинг ақли расо, иймон-этикодли, садоқатли инсон эканлигини фаҳмлашиб, таҳсинлар айтишди. Қозикалоннинг ҳам жувонмардлиги жўш уриб кетди.

- Сени қулликдан озод қилдим! Хурсан!

Меҳмонлар қозикалоннинг оқибатига ҳам тасаннолар айтишди. Қул ҳам таъзим бажо айлади. Бу қозикалоннинг янада ҳимматичи ошириб юборди:

- Мана шу боғни ҳам мулк сифатида сенга инъом қилдим!

Бундай мурувват ва саховатдан меҳмонлар хайратда қолиб, офаринлар айтишди..

* * *

Отамиз раҳматли биз ёшларга воқеанинг мана шу еригача сўзлаб берардилар. Бундан чиқадиган гап шуки, ҳар хил сўзларни очиқ-ойдин ошкор қилиш қийин эди. Шунинг учун енгил қилиб айтардилар. Кейинроқ билсак, бу ҳикоялар улуғ авлиёлар, уламолар ҳақида бўлиб, уни отамиз бизга қисқароқ қилиб, пардалаб айтиб берар эканлар.

Дарвоқе, ҳикоя мавзусига қайтсак, шундан кейин бу чорбоғни одамлар "Боғи банда" - яъни қулнинг боғи, деб аташадиган бўлишибди.



ЗУККО ФАРЗАНД

Таъриба эгаларининг эътироф этишларича, яхши парвариш қилинган ниҳол барвақт ҳосилга кирар эмиш.

Бухоро амирларидан бири шаҳарнинг обод кўчасида ёлғиз сайр қилиб юрса, қаршисидан китоб жилдини елкасига осганича мактаб толиби чиқиб қолибди. Бола ҳушёр экан, дарҳол

тавозе ила салом берибди. Амир алик олиб, қаердан келаётганини сўрабди.

- Мактабдан, ҳазратим, - жавоб берибди бола.

- Жилдда нима бор?

- Қуръони Карим китоби бор.

- Шундайми? Қайси сурага етиб келдинг?

- Сураи "Фатҳ"га, - тўхтамай жавоб берибди толиб.

- Қани, китобни кўрай-чи, - дебди амир кўл чўзиб. Бола китобни олиб берибди. Амир варақлаб кўрса, китобдаги хатчўп бошқа сура саҳифасида турганмиш.

"Бола мени алдабди, - ўйланибди амир. - Хатчўп бошқа саҳифада турибди. Ҳозирдан бу бола ёлғон сўзласа, улғайганда ҳам ҳаммани алдайди. Менга рост сўзламаган бола бошқаларни ҳам осон алдайди. Бунга устози айбдор, уларни бир жазолашим лозим".

- Нега мени алдадинг? Хатчўп бошқа саҳифада турибди-ку? - ўдағайлабди амир.

- Ҳазратим, бир қошиқ қонимдан кечинг, - дебди бола, - устозим ҳар кимга ёқадиган гап айтиш керак, деган эдилар. Шунинг учун ҳам сиз мамнун бўласиз, деб "Фатҳ" сураси дегандим. Ахир подшоҳлар улуғ ишларни, ҳарбий юришни бошлашдан аввал "Фатҳ" - ғалаба, нусрат сурасини ўқитишларини устозим айтган эдилар.

Амирнинг тунд қиёфаси очилиб, боланинг елкасига аста эркалаб урди.

- Боракаллоҳ, муллабача! Бу гапинг ўринли,
- деб ёнидан битта қизил тилла олиб узатибди.

- Ма, ол. Бу зукколигинг учун мукофот, - дебди.
Бола тиллони олишга кўнмабди.

- Нега олмайсан? - ҳайрон бўлибди амир.

- Ота-онам уришади, - дебди бола.

- Нега уришади?

- Қаердан олдинг, деб...

- Подшоҳ берди, дейсан.

- Ишонишмайди.

- Нега ишонишмайди?

- Подшоҳ берса битта эмас, бир лаган тилла беради, дейишади.

Амир боланинг жавобидан завқланган бўлибди ва уйига бир лаган тилла юборибди.



БИР ТИШЛАМ ОЛМА ЖАЗОСИ

Бир йигит деҳқончилик билан шуғулланар экан. Сувсираган экинларни суғораётса, ариқдан жуда ҳам чиройли қип-қизил олма оқиб келаётган емиш. Деҳқон ҳайратланиб, олмани олибди. Бирам хушбўй эканки, завқланиб кетиб, карсиллатиб ея бошлабди. Бирдан тўхтаб, ўйга чўмибди. "Бу кимнинг олмаси? Нега эгасидан сўрамай едим. Ахир бу ўзимга ва ўзгалар ҳақиға зулму".

Шу алфозда тишланган олмани қўлига олиб, ариқ ёқалаб сув йўлига юра бошлабди. Бир вақт олдидан бир боғ чиқибди. Бир туп олма дарахти ариқ бўйида ҳосили билан эгилиб ётганмиш. Йигит олмани солиштириб, бир хил эканлигини билибди. У дарҳол боғбонни чақириб, воқеани унга сўзлаб берибди.

- Бир тишлам олма учун узр, отахон. Рози бўлинг, - дебди йигит.

Боғбон йигитнинг ҳалол, имонли киши эканлигини билиб ҳаваси келибди. Ҳатто "ўғлинг бўлса шундай покдил бўлса", деб кўнглидан ўтказибди. Бир муддат ўйланиб қолибди. Бундан бечора йигит ташвишланиб сўрабди.

- Отахон рози бўлгингиз келмаса, илтимос баҳосини айтинг. Қанча бўлса ҳам тўлайман.

Боғбон бошини сарак-сарак қилибди.

- Менга пулингиз ҳам, нарсангиз ҳам керак эмас. Шартим бор. Шунга кўнсангиз рози бўламан. Аксинча, Қиёматда ёқангиздан ушлаб, даъво қиламан, - дебди.

- Айтинг не қилай? - дебди йигит.

- Келишдик-а? Сўзингиздан қайтмайсиз. Унда қулоқ солинг. Уйимда бир заифам бор. Кўр ва кар. Бунинг устига, соқов ва шол. Шу қизимни никоҳингизга оласиз, мен рози бўламан...

Йигит художўй - тақводор эди. "Ё, Аллоҳим! Яримта бесўроқ ейилган олма жазосини шу дунёдаёқ оламан, шекилли? Охират жазосидан ўзинг асрагил", деб кўзларидан ёш оқди. Боши

қотди. Охири "Ҳозир нима бўлса ҳам уйлана-ман. Сал кун ўтгач, талоқ қилиб қочиб кетаман", деган хаёлга борди-да, боғбонга розилигини билдирди.

Тўй асбоблари тузилиб, никоҳ ўқилибди. Оқшом йигит куёвлик саруполари билан гўшангага кирса, ҳуснда тенгсиз бир соҳибжамол қиз уни кутиб турганмиш. Унинг чиройидан бир лаҳза лол бўлиб қолибди. Ўзига келгач, боғбоннинг таърифидаги ғалатликдан хафа бўлиб, қизнинг олдидан чиқиб кетибди.

- Менга айтган қизингиз шуми ёки бошқа қизингиз ҳам борми? - сўрабди йигит.



- Пешонамдаги ёлғиз қизим шу. Бошқа фарзандим йўқ, - дебди боғбон.

- Сиз ёлғончи экансиз, мен ёлғончининг қизига уйланмайман, - дебди.

Боғбон йигитнинг бу қадар ақлли ва мардлигига қойил қолиб, сирни очибди.

- Эй, ўғлим! Сени ранжитган бўлсам, кечир. Аммо сени бир синамоқчи эдим. Аслида кўр ва кар деганим - асло номахрамга кўзи тушмаган, беҳуда сўз, гийбатларни эшитмаган. Соқов деганим - ёмон сўзлардан сақланиб, ибодат билан машғул бўлган. Шол деганим - бегона жойларга асло қадам ташламаган.

Йигит ҳақиқатни англаб, тасодифий бахт ато этганга кўп шукрлар айтибди.